**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби директори

________________ Э.Юсупов

**БУЮРТМАЧИ:**

Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби

Наманган вилояти Наманган тумани

*Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудида автомобил ўқув машғулот майдони қуриш ишлари*

**Танлов ҳужжатлари**

Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

I. **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
II. **Техник қисм**
III. **Нархлар қисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан рўйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди.

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1.Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудида *автомобил ўқув машғулот майдони* қуриш ишлари

1.2.Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1.Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Наманган вилоят Наманган туман Анжирзор МФЙ Анжирзор кўчаси 1/-уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объекларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми;

-Низом маблағи миқдори;

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлк арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.
4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:
-фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунмоҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.
6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачисибундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига
тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**№ 1илова**
**Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати**

| |
|---|
| 1.Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат |
| 2.Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот. |
| 3.Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари. |
| 4.Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот. |
| 5.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 3 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот. |
| 6.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот |
| 7. Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот |
| 8. Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги |
| 9. Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси |

Илова №2

**Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

| № | Критерийларноми, мазмуни | Энгюкори балл | % хисобида |
|---|---|---|---|
| 1. | Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат | 20 | 90% |
| 2. | Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот | 10 | |
| 3. | Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари | 10 | |
| 4. | Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот. | 15 | |
| 5. | Охирги 3 йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси. | 20 | |
| 6. | Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи | 15 | |
| 7. | Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот | 10 | |
| 8 | Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги | 15 | |
| 9 | Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси | 10 | |
| 10 | Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан) | | 10 % |

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Наманган туман 2-сон касб-ҳунар
мактаби директори

_________________ Э.Юсупов

# Техник топшириқ
# БУЮРТМАЧИ

Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби-2022

| № | **Маълумотлар рўйхати** | **Асосий маълумотлар ва талаблар** |
|---|---|---|
| 1 | Бажариладиган ишлар | Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби ҳудудида *автомобил ўқув машғулот майдони* қуриш ишлари<br>Жами бошлангич сумма: 353 271 986 сўм |
| 2 | Буюртмачи | Наманган туман 2-сон касб-ҳунар мактаби |
| 3 | Бажарувчи | Танловдан сўнг аниқланади |
| 4 | Объект жойлашган манзил | Наманган вилоят Наманган туман Анжирзор МФЙ Анжирзор кўчаси 1/-уй |
| 5 | Иш бошланиши ва тугалланиши | 2022 йил ноябрь – 2023 йил январ |
| 6 | Маблағ манзили | Опен Бюджет |
| 7 | Алоҳида талаблар | Ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан қабул қилиб борилади |
| 8 | Танлов шарти | 1) Иш тажрибаси: Танлорв қатнашчиси ушбу топшириқдаги хизматга доир иш тажрибасига эга бўлиши келиши керак<br>2) Танлов иштирокчиси кўрсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак |
| 9 | Тўловлар шарти | Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида |